



«Farg'onaazot» aksiyadorlik jamiyati
акциядорлар умумий йиғилишининг
2019 йил 29 июндаги 1-сонли
йиғилиш баёни қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

№ 192249

«Farg'onaazot» aksiyadorlik jamiyati

УСТАВИ

(янги тахрир)

1	Умумий қоидалар.....	3
2	Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати, жавобгарлиги	3-4
3	Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади	4-7
4	Жамият устав капиталининг миқдори.....	7
5	Жамият устав капиталини купайтириш/камайтириш.....	7-8
6	Жамиятнинг акциялари, уларнинг номинал қиймати ва уларни жойлаштириш тартиби.....	8
7	Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	8-10
8	Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби..	10-11
9	Жамиятнинг захира фонди.....	11
10	Жамият бошқарувининг тузилмаси.....	11
11	Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши	11-13
12	Жамият Кузатув кенгаши.....	13-15
13	Жамиятнинг Ижроия органи.....	15-17
14	Жамият фаолиятини назорат қилиш.....	17-18
15	Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш.....	18-19
16	Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.....	19
17	Яқуний қоидалар.....	19

Қўшимча 1.17-ўқ

1.17. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати, жавобгарлиги, унинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари, устав капиталининг миқдори, устав капиталини купайтириш/камайтириш тартиби, акциялари, уларнинг номинал қиймати ва уларни жойлаштириш тартиби, фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби, захира фонди, бошқарувининг тузилмаси, акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, фаолиятини назорат қилиш тартиби, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, яқуний қоидалар ҳақида.

1.18. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати, жавобгарлиги

1.19. Жамиятнинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари

2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати, жавобгарлиги, унинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари, устав капиталининг миқдори, устав капиталини купайтириш/камайтириш тартиби, акциялари, уларнинг номинал қиймати ва уларни жойлаштириш тартиби, фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби, захира фонди, бошқарувининг тузилмаси, акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижроия органи, фаолиятини назорат қилиш тартиби, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби, уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, яқуний қоидалар ҳақида.

2.2. Жамиятнинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари

2.3. Жамиятнинг устав капиталининг миқдори, устав капиталини купайтириш/камайтириш тартиби

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (матн давомида – Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Бундан буён матнда «жамият» деб аталувчи «Farg'onaazot» aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 2004 йил 31 декабрдаги 192к-ПО-сонли «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси - давлат корхонасини давлат тасарруфидан чиқариш ва уни очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги буйруғига асосан ташкил этилган.

1.3. Жамият даставвал, Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 19 январда 98- рақам билан рўйхатга олинган.

1.4. Жамият Фарғона вилояти Фарғона шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2015 йил 24 июнда 125 сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатига олинган.

1.5. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014 ЎРҚ-370) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016 ЎРҚ – 387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.6. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

1.6.1. Ўзбек тилида:

- лотин ёзувида «**Farg'onaazot**» **Aksiyadorlik jamiyati**.
- кирил ёзувида «**Farg'onaazot**» **Акциядорлик жамияти**.

1.6.2. Рус тилида:

Акционерное общество «**Farg'onaazot**».

1.6.3. Инглиз тилида:

- joint stock «**Farg'onaazot**»

1.7. Жамиятнинг қисқартирилган номи:

1.7.1. Ўзбек тилида:

- лотин ёзувида «**Farg'onaazot**» **AJ**.
- кирил ёзувида «**Farg'onaazot**» **АЖ**.

1.7.2. Рус тилида:

АО «Farg'onaazot».

1.7.3. Инглиз тилида:

JSC «Farg'onaazot»

1.8. Жамиятнинг манзили:

- жойлашган ери: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Саноат кўчаси 222- уй

- почта манзили: 115108, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Саноат кўчаси 222- уй

1.9. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@azot.uz

1.10. Жамиятнинг корпоратив веб-сайти: www.azot.uz.

2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ, ЖАВОБГАРЛИГИ

2.1. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулк шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкрий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.3. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

- 2.4. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.
- 2.5. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.
- 2.6. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.
- 2.7. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.
- 2.8. Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.
- 2.9. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 2.10. Агар жамиятнинг банкротлиги жамият учун мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатида иш юритаётган шахснинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли юзага келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда, мазкур акциядорнинг зиммасига жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Акциядор мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига ушбу уставда бу ҳуқуқ назарда тутилган тақдирдагина эга бўлади.
- 2.11. Жамият учун мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор жамият муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида банкрот бўлишини олдиндан била туриб, ушбу ҳуқуқидан жамият томонидан шундай ҳаракат амалга оширилиши учун фойдаланган тақдирдагина жамиятнинг банкротлиги акциядорнинг ҳаракатлари туфайли юзага келган деб ҳисобланади.
- 2.12. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МАҚСАДИ

- 3.1. Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хужалик фаолиятидан фойда олишдир. Белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун фаолиятнинг предмети (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат бўлади:
- минерал ўғитлар, дефолиантлар, ацетат ҳамда полиамид толалар, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ярим ва тайёр маҳсулотлар, халқ истеъмолчи моллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга ошириш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
 - ўз товар ва хизматларига нархларни, харид қилиш сотиш шартларини мустақил белгилаш (монопол маҳсулот реестрига киритилган ва нархларни тартибга солиш органи томонидан декларацияланиши лозим бўлган маҳсулот бундан мустасно);
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида мустақил равишда ёки воситачилар орқали улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш;
 - Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида товар ва мол-мулкнинг барча (моддий ва номоддий, кўчмас ва кўчадиган) турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қуриш қўлга киритиш, улар юзасидан битимлар тузиш, ижарага олиш ёки бошқа тарзда қўлга киритиш ва/ёки юқорида кўрсатилган мол-мулкни ижарага бериш, гаровга қўйиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериш ёки исталган бошқа тарзда уни тасарруф қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида исталган шахслар билан мустақил тарзда битим ва келишувлар тузиш, тижорат ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда зиммасига мажбуриятлар олиш;
- мазкур Уставнинг 3.1 – бандида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган жамиятнинг тижорат фаолияти ва унинг асосий вазифалари учун зарур ва мос бўлган импорт ва экспорт амалиётини мустақил тарзда ёки воситачилар орқали амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ширкатлар, қўшма ва ш.к. корхоналарни тузиш бўйича битимларни тузиш ва бекор қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шўба ва тобе хўжалик жамиятларини, филиал ва ваколатхоналарини тузиш;
- товар ва валюта биржаларининг ишида иштирок этиш;
- маблағларни қарзга олиш ёки маблағ тўплашни ташкил этиш, жамият мажбуриятлари бўйича ёки қарздорнинг мол-мулкига банд солиш йўли билан ҳар қандай шахсга гаров тақдим этиш;
- жамият маблағларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида инвестиция шаклида киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ инвестициялар, акциялар, кредитлар ва бошқа қимматли қоғозлари қўлга киритиш ва/ёки бошқа шахсларга ўтказиш, алмаштириш ва улардан бошқа тарзда фойдаланиш;
- жамият фондларини жамиятнинг ва унинг исталган шўба компаниясининг хўжалик фаолиятини кенгайтириш учун ишлатиш;
- исталган шахсга кафолат билан ёки кафолатсиз, мувофиқ бўлган исталган шартларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пул маблағларини қарзга ёки аванс (бўнак) сифатида бериш ёки бошқа тарзда қарз бериш;
- компаниянинг ҳар қандай мулкани, жамиятнинг ёки исталган бошқа шахснинг контрактлари ёки мажбуриятлари бажарилишини мажбуриятлар билан ёхуд қарздорнинг мол-мулкига банд солиш ҳуқуқи билан кафолатлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамиятнинг исталган акциялари ва/ёки бошқа қимматли қоғозларини чиқариш ёки уларни исталган шахсга сотиш ҳамда шундай чиқариш ёки сотиш юзасидан ҳар қандай битимга кириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай савдо маркалари, номлари, хизмат кўрсатиш белгилари, дизайнлар, патентлар, ихтиролар, ноу-хаулар ва интеллектуал мулкнинг бошқа шакллари рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш ва рўйхатдан ўтказиш, уларни сотиб олиш ёки ўзга усулда қўлга киритиш, сотиш, лицензиялаш, ўзга шахсларга бериш ёки улар билан савдо қилиш;
- ҳар қандай шахсни ёллаш, жамиятнинг ҳар қандай мансабдор шахсига ёки ходимига ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ёхуд уларнинг қариндошларига ёки боқимандаларига иш ҳақи, пенсия ва бошқа нафақаларни тўлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пенсиялар, нафақалар, мукофотлар ва рағбатлантиришларни тўлаш бўйича режаларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ йўқотишлар тиваккалчиликлар ва масъулиятнинг бошқа турларидан суғуртани амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида кўргазмалар ва кимосиди савдоларини ташкил этиш, уларда иштирок этиш ва шу каби фаолият билан шуғулланиш;
- башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 – йил 15 – майдаги ПФ – 4725-сонли «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига зид бўлмаса, хайрия ва хомийлик бадалларини ажратиш ҳамда соғлиқни сақлашга, маданиятга ва илм-фанга маблағлар ажратилиш;

▪ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мустақил тартибда ёки бошқа шахслар билан ҳамкорликда ёки улар орқали ёхуд агент, иккиламчи пудратчи, шўъба корхонаси ёки виволатхона воситачилигида ёхуд ўзга усулда раҳбар, агент, пудратчи ёки бошқа сифатда фаолият юритиш;

▪ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жамият қармоғида тиббий муассасаларни таъминлаш йўли билан тиббий ёрдам кўрсатиш;

▪ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ реклама компанияларини ташкил этиш;

▪ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини чоп этишни ташкил этиш;

▪ савдо ва савдо-воситачилик, жумладан экспортга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш;

▪ Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳам маҳаллий, ҳам хорижий таянч валютада товар(хизмат)ларни харид қилиш/сотиш.

3.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

▪ минерал ўғитлар, дефолиантлар, ацетат ҳамда полиамид толалар, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ярим ва тайёр маҳсулотлар, халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради;

▪ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан давлат эхтиёжлари учун;

▪ чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ва паррандачилик, шунингдек, наслдор чорва ҳамда паррандаларни кўпайтириш ва уларни сотиш, ўз эхтиёжи учун фойдаланиш;

▪ темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш, мавжуд бўлган автомобил, транспорт воситалари билан юк, йўловчиларни ташиш ва хизмат кўрсатиш;

▪ жамият ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта фойдаланиш мақсадида турли шаклдаги халқаро ҳамкорликларда қатнашади ва жамият экспорт базасини ривожлантиради;

▪ савдо-харид ва савдо-воситачилик фаолиятини юритади, воситачилик хизматларини кўрсатади;

▪ маҳаллий телефон алоқаси, кўчма радиотелефон алоқаси тармоғи хизматларини кўрсатиш ва фойдаланиш;

▪ кўп тиражли газеталар чоп этиш;

▪ жамият ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун дам олиш масканларини ташкил этиш;

▪ юридик ва жисмоний шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш;

▪ дори- дармонлар харид қилиш;

▪ халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

▪ инновацион маҳсулотларни кашф этиш ва сотиш;

▪ ахборот-реклама нашриёт ишларини бажариш;

▪ фирма дўконларини, филиалларини ва бўлимларини ташкил этиш;

▪ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, автомобил ва юк машиналари эхтиёт қисмлари билан савдо воситачилик қилиш;

▪ хўжалик моллари сотиш ва воситачилик қилиш;

▪ дўконлар, умумий ривожланиш пунктларини очиш;

▪ ҳар қандай хўжалик фаолиятида ва ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ воситачилик хизматларини кўрсатиш;

▪ ижара фаолияти билан шуғулланиш;

▪ молиявий фаолият (фоизлар кўринишида дивиденд, чет эл валютасининг курс фарқларидан даромад олиш) билан шуғулланиш;

▪ йиғилиш, симпозиум, маданий-оммавий ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

▪ сижилган табиий газни сотиш;

▪ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақлидир.

Жамият қонунчилиқда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

4. ЖАМИЯТ УСТАВ КАПИТАЛИНИНГ МИҚДОРИ

4.1. Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

4.2. Жамият устав капитали 85 383 434 290 (саксон беш миллиард уч юз саксон уч миллион тўрт юз ўттиз тўрт минг икки юз тўқсон) сўмни ташкил қилади. У ҳар бирининг номинал қиймати 2 530 сўм бўлган 33 425 629 дона оддий ва 322 764 дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

5. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ/КАМАЙТИРИШ

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

5.1. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.2. Кўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

5.3. Устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш шартларининг биржа ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

5.4. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ва ёпиқ обуна усуллари билан жойлаштирилиши мумкин.

5.5. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тағйириш ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.6. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблаглари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.

5.7. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

5.8. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

5.9. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи қимматли қарорлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар инфлянтурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамиятнинг устав капитали кўпайтириладиганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.10. Солиққа оид ёки давлат олдидаги бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав капиталидаги давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан

ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

5.11. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.12. Жамиятнинг устав капитални камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.13. Жамиятнинг устав капитални камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА УЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

6.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли бўлиб, хужжатсиз шаклда ҳисоби кiritилади.

6.2. Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

6.3. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

6.4. Акцияларга эгаллик ҳуқуқи депо-ҳисоб варағидан кўчирма билан тасдиқланади.

6.5. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тугатилган тақдирда унинг мулклари тақсимланаётган пайтда оддий акция эгалари ўртасида мулк тақсимоли амалга оширилгунга қадар ўз акцияларининг номинал қийматини оладилар.

6.6. Жамият ўзи жойлаштирган имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

6.7. Жамият акцияларининг номинал қиймати 2 530 (икки минг беш юз ўттиз) сўм.

6.8. Жамият акцияларининг жойлаштирилиши қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзига таълуқли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол – мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия – хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотни белгиланган тартибда олиш;
- олтин дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қиёматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа шаклдаги ташкилотларга бирлашиш;
- қиёматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш;

• ўзга акциядорларнинг розилигисиз ўзига тегишли акцияларни учинчи шахсларга бегоналаштириш билан боғлиқ битимларни амалга ошириш;

• Жамият акциялари берадиган ҳуқуқларни (ҳуқуқларнинг бир қисмини) қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома асосида ўз вакилига (вакилларига) бериш.

7.2. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

7.3. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳақда ҳуқуқлар беради.

7.4. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

7.5. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар, агар мазкур Уставда ва қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилишида жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг миқдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш қийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш қийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш ҳуқуқини олади.

Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан кейинги йиғилишдан бошлаб эга бўлади. Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ миқдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади.

7.6. Жамиятнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин эмас.

7.7. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига дивидендларни олишда ва Жамият тугатилаётганда унинг мулки тақсимланишида биринчи навбатда иштирок этиш имтиёзли ҳуқуқини беради.

Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акциялар номинал қийматининг 100% ни ташкил қилади.

Тақсимланаётган мулкнинг миқдори Жамият акцияларининг номинал қийматидан ошган ҳолларда, имтиёзли акциялар эгалари оддий акциялар эгалари олаётган мулкнинг қийматигача қўшимча тўлов оладилар.

7.8. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

7.9. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли ҳисобга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

7.10. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

• мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;

• мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунтириш;

- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмаслик;
 - Ушбу оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи инвестиция воситачисини маълум қилиш.
- 11.1. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

3. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

11.2. Ушбу Уставдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

11.3. Жамият акциядори (акциядорнинг вакили) қарори билан Жамиятнинг соф фойдаси ва ёки ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан ажратмалар ўтказиш йули билан Дивиденд тўлаш фонди тузилиши мумкин. Жамиятнинг Дивиденд тўлаш фонди маълумотларини тўлаш учун маблағларни захиралаш ва кейинчалик акциядорларнинг қароридан йиғилиши қарорига мувофиқ акциядорларга дивидендларни тўлаб бериш учун қўлланади.

11.4. Дивиденд Жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган ҳисобидан Дивидендлар Жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

11.5. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

11.6. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қimmatли тўлов воситалари ёхуд Жамиятнинг акциялари ва бошқа қimmatли қimmatлар билан тўланиши мумкин.

Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳисобланган дивидендларни қimmatли қimmatлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

11.7. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига қараб тегишли тартибда тақсимланади.

11.8. Ҳар бир акция ўз эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 25% қисми ҳисобидан биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

11.9. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи ва ёки ўтган йилнинг кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

11.10. Дивидендларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, тартиби ва тартиби тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсияси, шунингдек қонунчиликнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган ҳолда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши тавсияси асосида белгиланган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

11.11. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қароридан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган ҳолда қонунчиликнинг оқтиниб кундан кеч бўлмаслиги лозим.

11.12. Жамиятнинг зарарлари қонунчиликда белгиланган тартибда захира фонди маълумотларини ҳисобга қўланади.

11.13. Жамият қўбининг ҳолларида дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

• Жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб қўйилган ҳолда.

• Ҳар бир дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлган ҳолда Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

• Ҳар бир Жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди қийматидан кам бўлса.

Ушбу қонунда кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига кўра ҳисобланган дивидендлар акциядорларга тўлаши шарт.

11.2. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олиш ҳолда эълон қилади.

11.3. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари ушбу Устав ҳамда Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

11.4. Жамиятнинг хомийлик ва хайрия ёрдамлари учун ажратиладиган йиллик миқдори олдинги (базис) йилда олинган соф фойданинг 10 фоизидан кам бўлмаши шарт. Хомийлик ва хайрия ёрдамлари Жамият томонидан олдинги (базис) йилдаги соф фойда қисмида бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилган ҳолатларда амалга оширилади. Жамиятга берилган хомийлик ва бошқа хайрия ёрдамлари тўғрисида маълумот оммавий ахборот воситаларида ва ўзининг расмий веб сайтида берилиши шарт бўлган бўйича алоҳида ҳисобот юритилади.

9. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

12.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

12.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини қоплашга чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг маълумотларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

12.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди тўлашади. Захира фондига белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан қолган миқдорда ажратмалар ўтказилади.

12.4. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, соф фойдадан мажбурий ажратмалардан тикланади.

10. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

13.1. Жамият бошқарув органлари:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи (Жамият бошқаруви ва унинг раиси).

11. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

14.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

14.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг йиллик (навбатдаги) умумий йиғилишини ўтказиш шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши йил тугаганидан кейин олти ой ичида амалга ошириб ўтказилади. Жамият акциядорларининг навбатдаги (йиллик) умумий йиғилиши ҳар йили одатда 01 майдан – 30 июнгача ўтказилади.

14.3. Жамиятнинг бир фоизидан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари акциядорлар ўзининг йиғилиши кун тартибига, фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органи қилишига уларнинг номзодини (умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш ҳолатлари билан) кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга. Бундай таклифлар маълум йил тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

14.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қуйидаги масалалар кўрилади:

- кузатув кенгашини сайлаш;
- тафтиш комиссиясини сайлаш;
- жамиятнинг ижроия органи раҳбари билан тузилган шартноманинг муддатини ўзгартириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бизнес режаси ижроси бўйича ҳисобот;
- Кузатув кенгаши ва Ижроия органининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари;
- фойда ва зарарларни тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз вазифасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қилган ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият

кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш.

Йиғилишда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

11.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

11.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини кузатув кенгаши раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, кузатув кенгаши аъзоларидан бири олиб боради.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият янги тахирдаги Уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- устав капиталини камайтириш;

- Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларини сотиб олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Жамиятнинг ижроия органи раҳбарини сайлаш (тайинлаш);

- тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан жамиятнинг аффилланган шахси билан битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг жорий ҳужалик фаолияти билан боғлиқ битимларни белгилаш;

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш ваколатини кузатув кенгашига бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- санок комиссиясига амалий ёрдам кўрсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустақил экспертларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслаҳатчиси ёки қимматли қоғозлар бозорининг бошқа профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- Жамият маблағлари ҳисобидан миноритар акциядорлик қўмитасини сақлаш харажатини қоплаш (миноритар акциядорлик қўмитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

11.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади.

11.9. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда Жамият корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида жойлаштирилади. Агар Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари фонд биржасининг котировка варағига киритилган бўлса, мазкур қарорлар биржанинг веб-сайтида ҳам жойлаштирилади.

11.10. Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш мумкин.

11.11. Жамиятнинг миноритар акциядорлари ҳужжатларни асосиз равишда талаб қилиш ва махфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

11.12. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

12. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

12.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

12.2. Жамиятнинг кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркиби 9 (тўққиз) кишидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунда акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – йирик акциядорлар томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

12.3. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилиши, шунингдек, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш, ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг ижроия органи аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- захира фондидан ва бошқа фондлардан фойдаланиш;
- филиалларни ташкил этиш ва ваколатхоналарни очиш;
- шўба ва тобе хўжалик жамиятларни ташкил этиш (улар акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланмаган жамияти шаклларида тузилади);
- қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва Жамият аффилиланган шахслари билан (манфаатдорлик) битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- корпоратив облигациялар шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органи аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий талим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.4. Кузатув кенгаши аъзолари кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони кузатув кенгашига сайланиши лозим булган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

12.5. Кузатув кенгашининг раиси кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

12.6. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, бошқарув аъзолари билан меҳнат шартномасини имзолайди.

12.7. Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

12.8. Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади ва ўтказилади.

Жамиятнинг бир фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгалари кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

12.9. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонунчиликда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига ҳақли эмас. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, кенгаш раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

12.10. Мажлисда кузатув кенгаши аъзолари видео ва аудио ускуналари орқали конференция алоқаси бўйича иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари қарор қабул қилиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

12.11. Кузатув кенгаши ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

12.12. Жамиятнинг акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган даврда, Жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

12.13. Кузатув кенгаши мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

13. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

13.1. Жамият Бошқаруви 11 (ўн бир) кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига Бошқарув Раиси, унинг ўринбосарлари (директор), бош ҳисобчи, бўлинма бошлиқлари ва масъул ходимлар кириши мумкин.

13.2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик бошқарув ва унинг раиси (Бош директор) томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

13.3. Жамият Бошқаруви мажлиси унинг кун тартибига киритилган масалаларни, агар мажлисда Бошқарув аъзоларининг 50 (эллик) фоиздан ортиқ қисми қатнашса, ҳал қилишга ҳақлидир.

13.4. Жамият Бошқаруви мажлисида қарорлар мажлисда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бошқарув мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда Жамият Бошқаруви Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

13.6. Бошқарув раиси Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

13.7. Бошқарув раиси Қонун ва музкур Уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил этади ва уларга ҳисобот беради.

13.8. Бошқарув раиси ва аъзолари кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади). У билан меҳнат шартнома Жамият номидан кузатув кенгаши раиси имзолайди.

13.9. Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

13.10. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришда иштирок этмайди.

13.11. Бошқарув ваколатига қўйидагилар киради:

- Жамият тузилмалари раҳбарларини тайинлаш;
- ишчи ва ходимларига иш хақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;
- Жамият тузилмалари раҳбарлари ҳисоботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг бизнес қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 5 фоизидан 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- Жамиятнинг асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;

- Жамият шўъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;

- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари низомларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлаш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият Бошқаруви томонидан белгиланади;

- Жамиятнинг Бошқаруви, қонунчилик, ушбу устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ (ваколат) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бошқарув раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- мазкур Устав ва кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;
- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

13.12. Бошқарув ва унинг раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

13.13. Бошқарув ва унинг раиси мазкур Устав ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида»ги низом асосида иш олиб боради.

14. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Жамият тафтиш комиссияси

14.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

14.2. Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

14.3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколоти доирасига қўйидагилар киради:

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича, ўзининг, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёхуд Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра текшириш;

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо бериш;

- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;

- Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларини чақирилишини талаб қилиш;

- Тафтиш комиссияси, қонунчилик, ушбу Устав ва «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низомда белгиланади.

14.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра Жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

14.6. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

14.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш Тафтиш комиссиясининг, Акциядорлар умумий йиғилишининг, Жамият Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан

хабарлар келиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

14.8. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра Тафтиш комиссияси кузати тузади, бу хулосада:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

- Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

14.9. Тафтиш комиссияси Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Ушбу Уставнинг 14.8. бандида кўрсатилган ахборотни ўз ичига олган хулоса Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

14.10. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

б) Ички аудит хизмати

14.11. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробарини ташкил этса ва (ёки) ошса Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдор бўлади.

14.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларида маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орада жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

14.13. Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

14.14. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Корпоратив маслаҳатчи

14.15. Жамиятда кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

14.16. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

15. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

15.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

15.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуннинг 92 – 97 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

15.3. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

15.4. Жамият куйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан.

15.5. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонуннинг 98 – 101 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

16. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

16.1. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

16.2. Жамият Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

16.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қонунда ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

16.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

16.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш «Ягона дарча маркази» томонидан 2016 йил 20 июлдаги 125 – рақами билан қайта рўйхатга олинган Жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

17. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

17.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

17.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

17.3. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

«Farg'onaazot» Aksiyadorlik jamiyati
Бошқарув раиси

А.Т.Салижанов

Ҳуқуқшунос

Н.У. Махкамова